



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2000 йил 22 ноябрь, чоршанба

№90 (11.275)

Эркин нархда сотилади

ПРЕЗИДЕНТНИНГ РИМДАГИ УЧРАШУВЛАРИ

РИМ, 21 ноябрь. ЎзА махсус мухбири Анвар Каримов хабар қилади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримов таширифининг иккинчи кунин Италия Республикаси Президенти Карло Адзелио Чампи билан учрашувдан бошланди.

Дастлаб Италия Президентининг Квиринали саройидаги қароргоҳида ўзбекистонлик олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Исрол Каримов ва Карло Чампининг расмий делегациялар аъзолари иштирокида ўтказилган учрашувда ўзаро муносабатлар, алоқаларнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболлари ҳусусида сўз борди.

Шундан сўнг мамлакатимиз делегацияси Римдаги алоҳида давлат — Ватиканга йўл олди. Бу ерда Исрол Каримов билан Рим Папаси Иоанн Павел II иккинчидан учрашувини бўлиб ўтди. Рим Папаси ҳар кунини ўз ибодатларида Яратгандан Ўрта Осиё давлатлари, ҳусусан, Ўзбекистон халқига тинчлик, қут-барак ва оқсоқиллик тилашини айтди.

Исрол Каримов Рим Папасига зарбоф тўн тақдим этди.

Мамлакатимиз Президентини Ватикан ҳукумати-

нинг раҳбари кардинал А.Содано билан ҳам учрашди.

Президентимиз Италиянинг етакчи ташки савдо ташкилотлари — Ташки савдо институти, «САЧЕ» ва «СИМЕСТ» ташкилотлари раҳбарлари билан мулоқотда бўлди.

Маълумки, «ФИАТ» гуруҳига кирувчи «Кейс-Нью Холланд» компанияси Ўзбекистонда кенг фаолият юритиб келаяпти. Римда Исрол Каримов мазкур компания раҳбарларини қабул қилди.

Оқшом Исрол Каримов Италия Республикаси Ташқи ишлар вазир Ламберто Дини билан суҳбатлашди. Унда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлигини янада ривожлантириш тўғрисида сўз борди. Учрашув якунида икки томонлама ҳужжатлар имзоланди.

Президент Исрол Каримовнинг Италияга расмий таширифи давом этмоқда.

(ЎзА).

Вилоят ҳокимлигида

ОМБУДСМАН ВИЛОЯТИМИЗДА

Шу кунларда Тошкент вилоятида Ўзбекистон Республикасининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлиси вакили (Омбудсман) ҳақидаги Қонуни бажарилиши масаласи ўрганилмоқда.

Унда ўн та минтақа — Олмалик, Қирчиқ, Янгийўл шаҳарлари, Тошкент, Қибрай, Зангиота, Ўртачирчиқ, Қуйичирчиқ, Паркент ва Чиноз туманлари қамраб олинган. Тадбир мобайнида фуқароларнинг кучма қабулларини уюштириш, маҳаллий ҳокимият, судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари вакиллари билан семинар-суҳбатлар ўтказиш, шунингдек, ўқув муассасаларида ҳуқуқий мавзуларда лекция ва машғулотлар ташкил этиш мўлжалланган.

Кеча вилоят ҳокимлигида жойларда мазкур тадбирларни амалга оширишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокимларининг муовинлари, Омбудсман ҳузуридаги конституцион ҳуқуқлар ва инсон эркинликларига риоя қилиш бўйича комиссия аъзолари иштирок этдилар.

Йиғилишда вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитасининг раиси Сайёра Хўжаева бошқарди.

Йиғилишда Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С. Рашидова сўзга чиқди.

ЗАМОНДОШЛАРИ АРДОҒИДА



Беҳзод ўз ижодида шундай юксак чўққиларга кўтарилиб, мукаммалликка эришдики, маҳорат бобида барча замондош миниатюралар мусаввирлари учун ўзига хос янги мактаб яратди. Унинг чизган асарларини афсонавий деб аташар, ўзини эса «Иккинчи моний» деб эъозлашарди. Шарқнинг барча зукко кишилари учун ҳаммаши уйғунлик ва мукаммалликнинг тимсоли бўлиб қолган буюк Беҳзоднинг ижодий тажрибаси шуниси билан гоётда қимматли ва ибратлидир.

(Камолiddин Беҳзоднинг 545 йиллигига бағишланган материалларни газетанинг иккинчи саҳифасида ўқисиз).



ЕР ҲАЙДАСАНГ КЎЗ ҲАЙДА...

Вилоятимизда Республика Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни тугаллаш ва 2001 йил ҳосили учун агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказишга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг бажарилишини таъминлаш юзасидан кузги-қишқи тадбирлар дастури ишлаб чиқилди ва унинг ижроси қатъий назоратга олинди.

БУ ЙИЛ кўлам қурғоқ, куз эса серёгин келди. Бу ҳолат, айниқса, пахтакорлар учун кўп қийинчиликлар туғдирди. Бирок, вазиятга қараб, тадбиркорлик билан иш тутган Пскент, Чиноз, Бўка, Оққўрғон туманларида ва ўнлаб йирик хўжаликларда давлатга пахта сотиш шартнома режалари муваффақиятли уддаланди. Лекин йиғим-теримда юзага келган айрим сабаблар вилоятда ҳам режанинг бажарилишига имкон бермади.

Табиийки, бу йилги муваффақиятсизлик ҳар бир раҳбар, мутахассис ва оддий деҳқон учун аччиқ сабоқ бўлмоғи, йўл қўйилган хато ва камчиликлардан тегишли ва айниқса, тўғри хулоса чиқариб олинмоғи, келгуси мавсумда бундай нуқсонларни такрорланмаслиқ учун ҳозирданок амалий чоралар кўрилози. Республика Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 21 октябрдаги «2000 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни тугаллаш ва 2001 йил ҳосили учун агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказишга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳам айнан шу муҳим масалага қаратилган.

Вилоят ҳокимлигида қарорда белгиланган вазифаларни тўла-тўқис ижро этишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Айни кунларда жойларда вилоят ҳокими томонидан тасдиқланган ушбу тадбирларни амалга оширишга жиддий киришилган. Аввало, ҳукумат қарорининг

мазмун-моҳияти, мақсади жойларда ҳар бир мустақил фермер ва оилавий пудратчи, деҳқон ва механизаторга етказилди. Эндилкида барча куч ва имкониятлар ҳосилдан бўшаган экин майдонларини сифатли шудгорлаб қўйишга қаратилмоқда.

Барча туман ва хўжаликларда келаси йил ҳосили учун ўтказилган кузги-қишқи тадбирларнинг қандай амалга оширилаётганини вилоят ҳокимлиги томонидан қаттиқ назоратга олинган. Жойларда бажарилаётган ишлар узлуксиз таҳлил этилиб юз бераётган камчилик ва нуқсонларнинг сабаблари ўрганилмоқда ва зудлик билан бартараф этиш чоралари кўриб борилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг қарори ҳамда вилоят ҳокими тасдиқлаган тадбирларга мувофиқ ҳосилдан бўшаган пахта майдонлари гўзапоядан тозаланиб, пешма-пеш шудгорланмоқда. Текшириш ва таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, вилоят бўйича ишга яроқли 751та хайдов тракторидан бугунги кунда 450таси кузги шудгорга жалб этилган. Шу жумладан, мавжуд 166та «Магнум» русумли хайдов тракторидан 136таси ишлатилмоқда. Уларнинг кунлик иш унуми меёвдаги 20-25 гектар ўрнига ўртача 14,4 гектарданга тўғри келмоқда. Кўриниб турибдики, кузги шудгорнинг боришини унда қатнашаётган тракторларнинг сони жиҳатидан ҳам, кунлик суръат бора-сида ҳам бугунги кун талаблари даражасида деб бўлмайди. Бошқача қилиб

айтганда айрим туманларда мавжуд имкониятлар тўла ишга солинмаяпти, ташкилотчилик ишлари суст. Ҳамма туман ва хўжаликларда ҳам ер ҳайдаш уч сменада ташкил этилмаяпти, қўшимча механизаторлар ажратилмаяпти. Кузги шудгор билан банд бўлганларни моддий рағбатлантириш, улар учун бевоқиф далаalarda иссиқ овқат тайёрлаш ташкил этилмаяпти. Бундан чиқадиган хулоса шуки, жойлардаги мутасадди раҳбар ва мутахассислар ҳукумат қарорининг сўзсиз ижросига нисбатан лозим даражада масъулият ҳис этмаяптилар.

Далилларга мурожаат қиладиган бўлсак, вилоятдаги жами 585та мавжуд занжирли тракторларнинг 529та созидан 274таси шудгорлашда қатнашаётган холос. Масалан: Бекобод туманида 10-халқаро бонитети кам бўлган 20 минг гектар майдонга ўғит солиш керак эди. Афсуски, бу иш ҳам жойларда ҳамон ўлда-жўлда. Бугунги кунгача фақатгина 900 гектар ерга маҳаллий ўғит солинганини ҳеч қандай сабаб билан оқлаб бўлмайди, албатта. Жумладан, Бўка, Қуйичирчиқ, Қўриқчиқчиқ ва Чиноз туманларида умуман маҳаллий ўғитлар далага олиб қийилмаган.

Юқорида қайд этилган туман ва хўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассисларининг ҳукумат қарори ва вилоят ҳокимлиги тадбирларини амалга оширишда сусткашликка йўл қўйиб, вилоятнинг ҳам орқага тортаётганликларини кечириб бўлмайдиган ҳолдир. Улар вазиятдан тегишли хулоса чиқариб, ишда кескин бурилиш ясашлари, келгуси йил ҳосили учун зарур бўладиган барча чора-тадбирларни вақтида ва сифатли амалга ошириш учун бор имкониятларини ишга солишлари лозим.

Кулмухаммад ПАЙЗИЕВ, вилоят ҳокимлиги агросаноат мажмуи масалалари котибити мудири.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

БУНИСИ ТИББИЁТГА ИШЛАЙДИ

Ангренадаги «Ўзбекрезинатехника» очик турдаги ҳиссдорлик жамияти бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида ҳам бир маромда ишлайдиган корхоналардан ҳисобланади.

Корхонада яна бир янги маҳсулот турини тайёрлашни ўзлаштиришга киришилди. Бунинг учун Ўзбекистон-Олмония-Швеция қўша корхонаси барпо этилмоқда. Унда тиббиётда



ишлатиладиган пахта ишлаб чиқарилади. Корхона янги асрнинг биринчи чорагидан ўз маҳсулотини тиббиёт муассасаларига етказиб бера бошлайди.

Собир ҲАМИДОВ.

ҲОМИЙЛАР ОМОН БЎЛСА



Янгийўл шаҳрида «Ғиштинвест» корхонасининг раҳбари Ўткир Маҳмудовнинг сай-ҳаракатлари билан 12-ўрта мактабнинг бир қатор синф-

хоналари таъмирланиб, ўқувчиларга қалам, дафтар каби ўқув қуроллари совға қилинди.

Шаҳардаги иссиқлик манбаи корхонаси мутасаддилари эса 8-болалар богчасини оталиққа олиб, унинг иситиш тармоқларини ўз маблағлари ҳисобидан тўла таъмирлаб бердилар.

Зухра ҲАЙДАРОВА.

КАДРИЯТЛАР ЭЪЗОЗИ

Осори-атиқалар, зиёратгоҳ ва қадамжоларни таъвоф қилиш савобу азим деган ақида халқимизнинг қон-қонига сингиб кетганлиги ҳеч кимга сир эмас.

«Нуроний» жамғармаси Қибрай тумани кенгаши раиси Воҳид Шукуров бошчилигида 40 нафар ўруш ва меҳнат фаришлари, отахон ва онахонлар Зангиота ва Анбар она мажмуини зиёрат қилдилар.

Бу ерда зиёратчилар-



га яратилган шарт-шароитлар, мажмуанинг ниҳоятда обод этилганлиги таъриф буюрганларни хушнуд этди. Галдаги сариқларни Туркистон шаҳрига — Ясавий зиёратгоҳига уюштириш режалаштирилди.

Ўз мухбиримиз.

ВАКИА ОТА ВА ВАКИЛА ОНАХОНЛАР



Бўстонлиқ тумани хотин-қизлар қўмитаси ҳамда ҳудуддаги 21та қишлоқ фуқаролар йиғини ташаббуси билан мавжуд маҳаллаларда «Вақил ота ва вакила онахонлар» ташаббус гуруҳлари ташкил қилинди.

Уларнинг асосий вазифалари халқ орасида бўлиш, тўй-ҳашамлару бошқа маросимларда бевоқифа иштирок этишдир. Айниқса, фотиҳа ҳамда никоҳ тўйлари уларсиз ўтмаслиги қатъий белгилаб қўйилди.

Бундан кўзда тутилган асосий мақсад ёшлар ўртасида никоҳнинг бузилиши, ажралишларнинг олдини олиш ҳамда ортиқча исрофгарчилик ва дабдабозликка йўл қўймаслиқдир.

Равшан ЁҚУБЖОНОВ.

«ДЎСТЛИК» — ЯНА ЧЕМПИОН

Вилоятимиздаги футбол ишқибозларининг қувончи чексиз. Зеро, уларнинг сеvimли жамоаси, мамлакат кубок уйинлари совриндори — «Дўстлик» тўққиз ой давом этган IX миллий чемпионатнинг бошидан пешқадамлик қилиб, иккинчи маротаба чемпионлик унвонини кўлга киритди. У йигирма тўққизинчи галабани кўлга киритгач, олтин медал соҳиби бўлди.

Чемпионат давомидида 37 учрашувда (бугун «Трактор» билан кечиктирилган уйин ўтказилади) 29 марта голиб чиқиб, тўрт бор дуранг натижага

эришган ва бор-йўғи тўрт мартагина мағлуб бўлган «Дўстлик» футболчилари жами 91 очко тўпладилар. Улар рақиблар дарвозасига 105та тўп киритишга



муваффақ бўлдилар. Жамоа тўпурари Жаъфар Ирисметов ҳисобига эса, 45та тўп ёзилди ва у тўпурарлар баҳсида

етақчилик қилмоқда.

Биз газетамизнинг кўп сонли муштарийлари ва футбол

ишқибозлари номидан «Дўстлик» жамоасини катта галаба билан қутлаймиз!

ВИЛОЯТИМИЗНИНГ БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИНИ ВА ФУТБОЛ ИШҚИБОЗЛАРИНИ КАТТА БАЙРАМГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.

Бугун — 22 ноябрь кунин

вилоятимизнинг марказий «Дўстлик» уйингоҳида «Дўстлик» — «Трактор» учрашуви олдидан катта футбол ва спорт байрами ўтказилади.

Соат 13.00да бошланадиган бу катта тадбирда республикамизнинг таниқли санъаткорлари билан биргаликда вилоятимизнинг профессионал ва бадий ҳаваскорлик жамоалари иштирокида катта концерт намоиши этилади. Тадбирда шунингдек, вилоятимизнинг таниқли спорт усталарининг ҳам кўргазмалари чиқишлари бўлади.



ЗАМОНДОШЛАРИ АРДОҒИДА

Тарихда из қолдирган зотларнинг замондошлари у ҳақда ўзининг фикрларини зикр этишган. Ушбу фикрлар буюк сиймолар ҳаётини ўрганишда ниҳоятда қимматли манба бўлиб хизмат қилади. Айни пайтда ушбу ёзувлар ҳар қандай улугъ зотнинг-у хоҳ олим, хоҳ шоир, хоҳ мусаввир бўлсин — эл муҳаббатини қозонганидан далолат беради.

XV—XVI асрларда йирик сиймолар камолга етди. Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Хусайн Бойқаро, Воиз Кошфий, Ғиёсиддин Хондамир, Зайниддин Восифий, Султонали Машҳадий кабилар ҳалқимиз, маданиятимиз тарихида муҳим ўрин тутди. Камолдидин Бехзод улар билан бир қаторда турғувчи соҳиб мўйқаламдир. Улар Бехзод билан бир даврда яшаган, ижодлари қайси соҳада бўлмасин бир-бирига боғлиқ бўлган.

Уша даврда Султон Хусайн Бойқаро саройида тасвирий санъатнинг гуллари ҳам бўлган эди. Ҳокон уларга катта илтифот қўрсатди. Бу ерда Шох Музаффар, Қосим Али, Мавлоно Муҳаммад каби



бошлади. Шарофиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарига чизган суратлари Бехзодга катта обрў-эътибор келтирди. Хусайн Бойқаро саройида ишлар экан, Бехзод кулай шароитдан имкон борича фойдаланиб, тинмай ижод қилди. Низомий, Деҳлавий, Навоий, «Хамса»лари, Жомийнинг «Ҳафст авранг» достонлари, бошқа бирталай асарлар Бехзод ва унинг шогирдлари Дарвеш Муҳаммад, Махмуд Музаҳҳибнинг гаройиб миниатюралари билан безалди. Бехзод ўз даврининг йирик давлат ва маданият арбоблари суратларини ҳам чизган. Афсуски, Бехзод яратган жуда кўп асарлар бизгача тўла етиб келмаган.

Восифий «Бадоеъ-ул-вақоъ»да ёзади: «Бехзод кунлардан бирида бир сурат чизиб Алишер Навоий ҳузурига — унинг мажлисига олиб келди. Расмда жуда бир кўркам, чиройли бог, ундаги дарахларда хушкон булбуллар кўнган, ҳар томонда оқар сувлар, қуртаклари бўлган қизил, сарик,

анвойи рангдаги гуллар чизилган. Ана шу бог ўртасида Алишер Навоий барваста қоматда, ҳассасига таянган ҳолда, олдида тилла ва қумуш тангалар билан тўлдирилган лаган, бу инъомлари қалам ва санъат аҳлига бахшида этиш олдида тасвир этилган. Алишер Навоий Бехзоднинг бу асарини томоша қилар экан, жуда ҳайратда қолади ва бу байтни айтади:

Наққош ажаб сафҳа мунаққаш қарди,
Эй вақти ту хуши,
Вақти мо хуш қарди.

(Мазмуни: Наққош ажаб сафҳа мунаққаш қарди, ай вақти ту хуши, вақти мо хуш қарди.)

Ғиёсиддин Хондамир «Ҳабиб-ус-сиар» асарига шундай маълумот беради: «Устод Камолдидин Бехзод аjoyиб ва гаройиб суратларини яратиб, ўзининг Монийракам мўйқалами билан инъон зоти томонидан яра-

Муштарий мактуби

«Дўстлик» ширкат хўжалиги Юқоричирчиқ туманидаги бақувват, кенг тармоқли хўжаликлардан ҳисобланади. Хўжалик охириги уч-тўрт йил ичида бироз оқсамокда. Мамлакатимиз фахри ва ифтихори бўлган пахта хом ашёси ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан олинадиган режалар ҳам унда даламмай қолиб кетмокда. Нима бўлганда ҳам, хўжалиқда яшовчилар ва ёшлар ўз хўжаликларида фахрланадилар.

«Дўстлик» хиссадорлик жамиятида бир эмас, иккита барча қулайликларга эга бўлган ўйингоҳ, тумандаги энг яхши маданият саройи, сартарошхона, шаҳардагидек қулайлик-



йиллар бўлди. Унинг эшиклари ҳам табиий газ йўқлиги баҳонаси билан тақа-тақ ёпилган. Худди эгаси йўқ қулбага ўхшайди. Кимлардир унинг дераза-ромларини кўчириб кетишган.

АЛДАГАНИ БОЛА ЯХШИ...МИ?

ларга эга болалар боғчаси, тоза ичимлик суви ҳамда кўплаб маданий-маиший, савдо шохобчалари мавжуд. Афсуслар бўлсинки, шу ширкат хўжалигига қарашли бизнинг Кавардон қишлоғида бунинг мутлақо аксидир. Келинг, яхшиши, умумий сўзларга чек қўйилмади, Кавардон қишлоғидаги муаммоларга тўхталиб ўтайлик.

Бундан бир неча йиллар аввал қишлоқда 300 ўринли клуб қурилиб фойдаланишга топширилганда барча бирдек қувонган эди. Қувончлари узоққа чўзилмади. Чунки, клуб кўп ўтмай ёпиб қўйилди. Мана, неча йилдирки, ушбу клуб эшигига қулф хўжайинлик қилиб турибди.

Кавардон қишлоғида бир эмас, тўртта болалар боғчаси бор. Аммо уларда табиий газ ва ичимлик суви, бошқа шарт-шароитлар бўлмаганлиги сабабли кўп йиллардан бери ишламайди. Қишлоқдаги кўплаб оилалар бола-жонларини қиш-қировли кунларда минг бир азоб билан туман маркази Янғибозордаги болалар боғчасига олиб келишга мажбур бўлишмокда. Қишлоқда ҳаммом қурилиб, фойдаланишга топширилганга 10

Кавардонликлар олдида яна бир катта муаммо кўндаланг: бу ичимлик суви масаласи. Тумanning тегишли идора, муассасалари 1987 йилдан бери Кавардон қишлоғига тоза ичимлик суви олиб келамиз, деб ваъдалар бериб келадилар. Тўғри, қишлоқ аҳолисининг бир неча бор ёш ва оғзаки арзлари кейин хўжалик раҳбарлари қишлоққа суи ташишни йўлга қўйишди. Лекин, «Қўлдан берилганга қўш тўйма» дегларидек бу билан муаммони тўлиқ ҳал этиш бўлмаяпти.

Кавардон қишлоғида тез-тез чироқ ўчиши, телефон алоқасини доимий равида ишламаётганлиги, маиший ва маданий хизмат кўрсатишларнинг даст даражаси ҳақида апиримасак ҳам бўлади.

Кавардонликлар катта орузлар билан кун қиққандан то қўёш ботқунча ҳалол меҳнат қилишиб, Ўзбекистонимиз истикболига қамтар хиссаларини қўшмокдалар. Мутасаддилар бироз бўлсада қишлоқ аҳолиси дардида қулоқ солиб, юқоридagi муаммолар ечими тўғрисида ўйлаб кўрсалар ёмон бўлмасди.

Латифжон МАНСУРОВ,
Юқоричирчиқ тумани.

МУАЛЛИФДАН

Инсон туғилганда пешонасига, Тақдири азалнинг муҳри босилгай, Буюклик, қомиллик нишонасига Бўйнига ғойибдан чамбар осилгай.

Одамлар бўларки, дунёга йиғлаб — Келса ҳам дунёдан қулиб кетади. Одамлар бўларки, дўст бағрин

тиглаб, Уч қулиқ умрда елиб кетади.

Одамлар бўларки, мисоли гўмбак, Яшайди умрнинг гул палласида. Одамлар бўларки нақд ипак

кўртдек, Меҳрини қўшади жон пилласига.

Одамлар бўларки, шундоқ туғилар: Муштини қисганча солади сурон. Одамлар бўларки, нурдек йўғриллар, Акс этар қўзида бу рангин жаҳон.

Кўзларига боққан ҳайратда қолур, Гўёки яширган турфа камалак. Минг бир ранглардан юзларида нур, Гўёки инсонмас, монанди малак.

Мисоли тонг каби сирли, беғубор, Гўёки тонглардан олган андоза. Сехрли нигоҳи маъсум, бетакрор, Қуиларга поклик улашар тоза. Бугун яна бир бор мазийга қайтсам,

Мусаввирнома

Олиб учса мени ҳислар қанотда. Бир гўдак одамда, мен сизга айтсам, Тарих яратади ушбу ҳаётда.

Бир гўдак туғилди, туғилгани он, Ёришиб кетди катта хонадон. Барчанинг чеҳраси ундан нафармон, Масъум нигоҳлари эди бир бўстон.

Хунарманд отаси ном қўйди Бехзод, Номин улугълади кекса ҳақда ёш. Бул гўдак улғайгач, ташвиш бўлиб ёт, Бўлсин жаҳондаги энг уста наққош.

Қиссамнинг боши шундоқ, эй инсон, Кўзларида нур яширинган фарзанд. Ўзи ҳиротлик бўлса ҳам гарчанд, Дунёга таратди шухрат ила шон.

Бугун яна бир бор мазийга қайтсам, Қанотида олиб учсайди илҳом. Мўйқалам ҳақида бир қисса айтсам, Тонглар қарақласа, ёруғ бўлса шом.

БИРИНЧИ БОБ

Донг таратган азал-азалдан, Сархуш доим куйдан, ғазалдан, Номин тотли болдан, асалдан, Кўкка балқар мазийдан бир от: Шаҳри дилбар аталган Ҳирот.

Мадрасалар саноғи йўқдир, Гўмбазларнинг адоғи йўқдир, Илму ҳикмат булоғи чўқдир, Ҳар минора — қасри қошот.

Шаҳри дилбар аталган Ҳирот.

Бойқаронинг кўшқу айвони, Навоийнинг тенгсиз девони, Ҳазрат Жомий «Баҳористон»и, Улмас мерос, улмас бир ижод, Шаҳри дилбар аталган Ҳирот.

Бинойининг дил сўзларида, Ардашернинг нон-тузларида, Турбатийнинг ризқ-рўзларида, Такрор-такрор этилади ёд, Шаҳри дилбар аталган Ҳирот.

Бунда ҳар бир инсон — мавлоно, Ҳар гўзалнинг рутбаси — жоно, Ҳазрати Лутфий ёна ва ёна, Онам деган ҳар лаҳзада шод, Шаҳри дилбар аталган Ҳирот.

Мажидиддин кони иғвонинг, Қурбонидир битта имзонинг — Ҳоки бордир Мўмин Мирзонинг, Не қуилар кўрмаган, ҳайҳот, Шаҳри дилбар аталган Ҳирот.

Тун, тонгларнинг бўлди гувоҳи, Тортса азар ўт бўлур оҳи, Келажакка туташган роҳи, Бир кун вайрон, бир кун обод, Шаҳри дилбар аталган Ҳирот.

Сарғайтирди ҳижратлар зарди, Ҳар бир нишода йилларнинг зарди. Ҳар биткида минг битта дарди, Ҳар гўшада манзу хотирот Шаҳри дилбар аталган Ҳирот.

Навоийнинг қабрига боқиб, Гавҳаршодга гулчамбар тақиб, Дилни ҳасрат ўтида ёқиб, Сатрларни битсам, бер нажот, Шаҳри дилбар аталган Ҳирот.

Чиройингга тўймай ҳар қачон, Ол рангларни тасвирлаб шоён, Бўёқларда бўлдинг намоеи, Мўйқаламин тутинда Бехзод, Кўёш каби балқдинг, сен Ҳирот,

Кўрсат менга унинг изини, Камалакдек нузли юзини, Унга атаб битай сўзимни, Мадад бергил, берақол сабот, Шаҳри дилбар аталган Ҳирот.

Токи сатрим ораста бўлсин, Бехзодона навраста бўлсин. Номинг ила вобаста бўлсин, Орзум, кўнглим излаган баёт, Шаҳри дилбар аталган Ҳирот. Темури УБАЙДУЛЛО. (Давоми бор).

ДУНИЁ АСР БУСАҒАСИДА

ҚИСКА САТРАЛАРДА

◆ Покистон ҳукумати қарори билан афғонистонлик қочқинлар мамлакатга қайтарилмапти. Бу Афғонистон билан чегарадош ҳудудларда ижтимоий аҳвол оғирлашувига сабаб бўлмокда. Айни пайтда чегарада минглаб афғонистонлик тўпланиб турибди.

◆ Илгари номи чиқмаган «Иордания ислом қаршилик ҳаракати» вакиллари яқинда мамлакат пойтахтида Исроил дипломатига қилинган тазову учун жавобгарлигини ўз зиммасига олдилар. Исроил консулининг ўринбосари машинасида ишга кетаётганида ўққа тутилган ва оғир жарахатланган ҳолда касалхонага келтирилган эди.

◆ Яман парламенти мамлакат конституциясига пре-

зидент ва депутатлар ваколатини икки йилга узайтириш ҳақида қиртилган тўзатишни тасдиқлади. Энди президент етти йилга, парламент вакиллари олти йилга сайланади. Лекин аввал бу ўзгаришлар умумхалқ референдумида маъқулланиши керак.

◆ Ганада тарқалаётган вабо ўн кишининг умрига зомин бўлди. Уч юз киши оғир аҳволда шифохонада ётибди. Маълумотларга қараганда, айниқса Бронг-Ахаф вилоятида вабога чалинганлар кўпчиликини ташкил этади. Соғлиқни сақлаш вазирлиги вакилларининг таъкидлашича, айни пайтда вазият назорат остида, касаллик тарқалган ҳудудларга дори-дармон жўнатишган.

СИЁСИЙ МАҲБУСЛАР БЎШАТИЛДИ

Танзания маъмурияти муҳолифатдаги Биришган фронтнинг 18 нафар фаолини қамқондан озод этди. Улар давлатга хиёнат қилишда айбланиб, уч йил илгари ҳибсга олинган эди. Мамлакат президенти Бенжамин Мкапа 29 октябрда бўлиб ўтган сайловдан сўнг ўз лавозимини сақлаб қолган, мазкур сиёсий маҳбусларни бўшатишга қарор қилди.

КАРЛСОННИНГ «ОНАСИ»



Астрид Лингрен ўзининг киши ҳавас қилса арзийдиган узоқ ижодий йўли давомида болаларга бағишлаб 115та асар ёзган. Уларнинг ҳаммаси ниҳоятда машҳур бўлиб кетган. Пепли узун пайпоқ, Леннеберглик Эмил, қароқчининг қизи Роне, ака-ука Шероаклар, хормас-толмас жосус-изкувар Калле Блюмквист, Кичкинтой ва Карлсон — буларнинг ҳаммаси дунёда қанча бола бўлса, барчасининг қадрдон дўстига айланиб кетган. Линдгренинг ҳикоя ва қиссалари жаҳоннинг 73 тилига таржима қилинган, жами 80 миллион нусхада чоп этилган. Унинг деярли ҳамма асарлари асосида фильмлар яратилган.

Болалар адабиётининг буювиқониси қирк марта нуфузли халқаро мукофотларга, нишонларга сазовор бўлган. У биринчи мукофотига 1944 йилда мушарраф бўлди. У фа-

Уйдан бирдан болаларнинг шодон қийқириқлари эшитилиб қолади: «Яшасин, Карлсонни қурсатишяпти!» Канака Карлсон деб ўйлаясизми? Уша, биз болалигимизда кўриб, роса завқланганимиз томда яшайдиган Карлсон. Швецияда унинг ўзини ҳам, уни дунёга келтирган «онаси» аjoyиб адиба, машҳур жаҳон Астрид Линдгрени ҳам ниҳоятда яхши кўришади. Ёшу қари бирдек танийдиган, ардоқлайдиган ёзувчи Швецияда «Аср аёли» деб эълон қилинди. Ўнда қилиб айтганда, 93 ёшга кирган адиба тириклик чоғидак афсонага айланган.

катгина Швеция қироллик академияси томонидан тақдим этиладиган халқаро Нобел мукофотини олмаган, холос. «Бўзи белбоққа ёлчмас» деганлари тўғри экан-да. Астрид хонимнинг қаҳрамонлари оддийгина, шўх, шаддод. Хатто Карлсон ҳам у тўполон тоғини яхши кўради, Кичкинтойни ҳам шунга судрайди. Кўпчилики танқидчилар ёзувчинини халлапарастликда айблади. Лекин у асарлари сюжетини ҳаётдан олади. Унинг ҳар бир асарига қандайдир воқеа туртки бўлган.

Бир кун Астрид Линдгренишдан уйга келиб, таърифлаб бўлмайдиган манзаранинг устидан чиқади. Уй шунангиди ағдар-тўнтар қилиб ташланган эдики, асти қўяверасиз. Қайси

XX асрнинг сўнги юлдузлари

бир бора танишасизу, абадий севиб қоласиз.

— Ҳаётга ишонч билан яшаш, кўтаринки кайфият мен учун асосий омил бўлиб келди. Айниқса, ҳозир ёмонлик, зулм, ўзини кўрсатаётган бир пайтда очикқўнғиллик, олижаноблик, яхшилик қилишга интилиш — одамларнинг юрагида эзгу туйғулар, орзу-умид каби ҳислатларнинг барқ уришига сабаб бўлади, — дейди адиба. — Китобларимнинг қаҳрамонлари шунинг учун ҳам фақат ҳаётнинг яхши томонларини кўрадилар. Ахир улар болалар-ку.

Астрид хонимнинг икки фарзанди, неваралари, икки эвараси бор. Айниқса, у эвараларини еру кўкка ишонмайди. Чунки уларни болалиқнинг соф дунёси бирлаштириб туради-да. Болалик эса одамзот умрининг энг яхши палласидир. Адибанинг асарларида бу палла, айниқса, гўзал тасвирланади. Астрид Линдгрени 93 ёшга кирганига қарамай, жамоат ишларида ҳам фаол қатнашади. У майда жониворларнинг ҳимоя қилишдаги алоҳида хизматлари учун ҳам мукофотланган. Адибанинг ҳаракатлари билан Швецияда майда уй хайвонларини ҳимоя қилувчи қонун қабул қилинган. Бу қонун ҳозир «Астрид қонуни» деб аталади.

Астрид хоним яратган асарларнинг қаҳрамонлари олижаноб, очикқўнғилдир. Уларнинг ҳаммаси ҳаётда кўтаринки кайфиятда яшайди. Улар билан



каторида қайд этилади. Лекин ҳар йили у мукофотга лойиқ қўрилмади. Бу йил ҳам шундай бўлди. Жаҳон болаларининг суюкли буювиқониси балки XXI асрда мукофотнинг биринчи соҳибаси бўлар! Адибанинг ўзидан, нега бундай бўляпти, деб сўрашганда, у қулиб қўяқолди:

Мен ахир яшаяпман-ку. Болаларнинг муҳаббатидан ор-тиқроқ мукофот борми, ахир. Чиндан ҳам кичкинтойларнинг дунёсида яшаб, уларнинг чексиз меҳридан баҳраманд бўлиш ҳазилкам гап эмас. Карлсоннинг «онаси» бунга мушарраф бўлган.

Темури ЙЎЛДОШЕВ.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ИШЛАРИ

Бир гуруҳ пуэрторирикаликлар Нью-Йоркдаги Озодлик ҳайкали қаршида Вьекес оролида ўтказилаётган ҳарбий машқларга чек қўйилишини талаб қилиб, намойиш ўтказди. Хатто, бир намойишчи ўзининг алпинистлик маҳоратини кўрсатиб, хайкал тепасига Пуэрто-Рико ҳамда Вьекес ороли бўлақларини қадаб тушди.

◆ ЛОНДОН полициячилари «Мингйиллик гумбази» кўргазма залидаги 500 миллион долларлик олмос буюмларни ўғирлашга уринган жиноятчиларни таъкиб қилишда давом этмокда. Жиноятчилар «Де Бирс» компаниясига қарашли 13, жумладан, «Минг йиллик юлдузи» деб номланган машҳур олмосни ўғирламокчи бўлган эди. Маълум бўлишича, полициячилар халқаро жиноий гуруҳнинг бу режасини бир неча ой олдин билган ва ўғирларни мунтазам кузатиб борган экан.

◆ ЛАТВИЯДА илк бор латш тилидаги сўкилар тўплами босмадан чиқди. Китобда 469 сўз ва ибора бор. Тузувчи — профессор Павел Заринининг таъкидлашича, китоб минг нусхадан иборат, лекин савдога чиқарилмади.



Қадим замонда Ўринбой исмли ўта ҳасис ва қуримсоқ одам яшаган экан. Ўринбой номи тилга олинганда «қуримсоқ» сўзи ҳам ишлатилар, «Ўринбой қуримсоқ» шаҳарнинг каттадан-кичик ҳамма аҳолисига отнинг қашқасидек маълум ва «машҳур» экан. У ҳақда гап кетганда «унинг раҳматли отаси бир мирини устида тишини синдириб юборадиган ҳасис ва юлғич одам эди, ўғлига Ўринбой исмини ҳам билиб ва топиб қўйган экан, фарзанди отасини бир чўқишда қочирадиган устаси фаранг бўлди», дейишар экан. Ўринбой кўчада ётган битта дарахт шохи, таги тешик челақ, банди синган кумдон, қийиқ тоғора кўрса ҳам уйига ташир, унинг ҳужраси бамисоли эски-тускилар дўконини эслатар экан. У одамлардан алдаб-авраб, турли ваъдалар бериб, қасам ичиб, пул қарз олар, лекин, қарзни қайтаришни ҳаёлига ҳам келтирмас экан.

Хотини бир куни эрига жаврабди:
— Рўзгор қилишни билмайдиган, қандок Худо урган бўш-баёв лапашанг эркаксиз, уйда бир қафт ун, бир қошиқ мой, бир бош пиёз йўқ, тишингизнинг кирини сўриб ётаверасизми?

Хотинининг гапи жон-жонидан ўтиб кетган Ўринбой маҳалласида истиқомат қиладиган судхўрниги боришга қарор қилибди. Ёз вақти бўлишига қарамай оёғига эски ийриқ қилишни кийибди, йўлда оёғидан чиқиб кетмаслиги учун устидан латта билан боғлаб, судхўрнинг хузурига бориб, кўзига ёш олибди:

— Таксир, менга раҳмингиз келсин, хотиним олти ойдан бери оғир хаста, кечадан бери оғизга сув томизаялман, табига ва дори-дармон учун бир танга бермасангиз, болаларим етим бўлиб қоладиганга ўхшайди.

Хожатмандларга йиғирма фоиз фойдасига ақча берадиган судхўр пайтдан фойдаланмоқчи бўлибди:

— Майли, бир ой муҳлат билан эллик фоиз фойда бадалига бир танга қарз берман, қарзингни бир ярим танга қилиб қайтарасан.

— Мендан қайтмаса, Худодан қайтсан, фарзандларингизни роҳатини кўринг, розиман, тақ-

сир, розиман. Судхўрниги судралиб борган Ўринбой қушдек учиб бозорга борибди. Рўзгорга керакли маҳсулотларни харид қилиб, хиргойи қилиб, уйга келгач, хотинига дебди:

— Мени ношудга чиқариб қўйган эдинг, хотинжон, судхўрни илон бўлиб авраб ташладим. У мендан бир ярим танга олар эмиш, берган бир тангаси ҳам «қулогини ушлаб» кетганини билмайдиди, ҳа-ҳа-ҳа!

Бир ой муддат ҳа-ҳу деғунча ўтиб кетибди. Судхўр ҳар куни қарзини қистаб келар, Ўринбой турли баҳоналар билан уни қуруқ қайтарар экан. Бир ой қатнаб силласи қуриган судхўр фойдадан умидини узиб, ўзи берган бир тангани қайтарса, ора очик бўлишини айтса ҳам, Ўринбой турли ваҳ-қарсонлар кўрсатибди. Яна бир ой қатнаб жони халқумига келган судхўр бир куни эшикни тош билан тақиллатибди. Бир кори-ҳол бўлишини англаб, чорасиз қолган қуримсоқ хотинига тайинлабди:

— Келган одам судхўр бўлса, эрим ўлиб қолдилар, деб қўяқол.

Хотини эшикка чиқиб, келган эшик судхўр эканлигини билгач, эри тайинланган гапни айтибди. Судхўр хотиннинг гапига ишонмай:

ҚУРИМСОҚ ВА СУДХЎР

Одамлар майитни мақбарага кириштириб қайтибди. Судхўр мақбара бурчагидида кичкина ҳужрага беркинби, эшикни қия очик қолдириб дош майитдан кўзини узмай мўралаб ўтирибди. Ярим кечада «дўпир-дўпир» оёқ товушлари келибди, сўнгра одамларнинг овозлари эшитилибди. Мақбара эшиги очилиб, қоп ва тугун қўтарган бир тўда ўғриллар кириб келибди. Уларнинг бошлиғи тоқчадан мой чироқ олиб ёқибди ва гап бошлабди:

— Йигитлар, қозининг умр бўйи йиққан мол-мулкни игнасини ҳам қолдирмай, ими-жимиди қойилма-қол қилиб ўмардик. Қани энди, молларни бўлинлар. Қутидида зебу-зийнатлар, олтин тангалар ва молларни теппа-тенг бўлишгач, ўртада битта олтин сопли қилич қолдибди. Ўғриллардан бири бошлиғидан сўрабди:

— Хўш, бу қилич энди кимга тегади?
— Кимки қилич билан шу ётган ўлиқни бир уришда икки бўлакка ажратиш таш-

ласа, қилич шу кишиники бўлади!

— Бу ишни мен удда-лайман, — дебди бир кўзини рўмол билан боғлаган, чорпахилдан келган ўғри ва қиличчи Баланд кўтарибди. «Ўлик» бир думалаб ўрнидан турибди. Ўғрилларнинг эҳсонаси чиқиб, бир-бирини туртишиб, ўзларини эшикка уришибди. Ўғри эшигидан мўралаб ўтирган судхўр дарров Ўринбойнинг олдига келибди.

— Хўш, фарибгар қўлга тушингми? Бир тангамни берасанми, йўқми? — дебди Ўринбойни гиппа бўйиб.

— Мендан қарзини қайтариб оладиган одам ҳали онасидан туғилган йўқ! — Иккаласи олишиб кетибди.

Судхўрнинг кўзи ерда ётган қилич кинига тушиб қолибди. Қинни ба-ланд кўтариб, бор қучи билан Ўринбойнинг бошига туширибди. Қуримсоқнинг кўз ўнги қоронғиллашибди. У мувозанатини сақлай олмай ерга йиқилганда қўлига бир нарсаси иилибди. Буни қилич эканини сезган Ўринбой сўнгги қучини тўплаб ўрнидан турибди ва ғира-шира қўринаётган судхўрнинг қорнига санчибди. Қуримсоқ ва судхўр шу ҳолда ўлим топишибди.

Жаноби пайғамбаримиз Мухаммад алайҳиссалом «Ҳадис»ларида судхўрлик ҳам, бировнинг ҳақиқа хиенат қилиш ҳам гуноҳи азим эканлигини таъкидлаган. Турли ваъдалар билан бировларнинг ҳақини ўзлаштириб, судхўрлик қилаётган кимсалар орамизда топилади. Бировнинг ҳақи ва судхўрлик ҳисобига гуноҳкор бандалар бўлиб қолишдан Оллоҳнинг ўзи сақласин!

Убайдулла АБДУЛЛАЕВ.



АДАБИНИ БЕРАМАН

Афандининг йўл чиптаси борлигини билиб қолган «шум» автобус ҳайдовчиси унинг бекатда бир ўзи турганини қўриб, тўхтамай ўтиб кетди.

— Бир автобусинга чиқиб олай, кейин кўрасан, — деди унинг орқасидан бақириб қолган Насриддин. — Бир кун тушмасдан, роса «катайса» қилиб, адабингни бермасам, Афанди отимни бошқа қўяман!!!

ОШГА ҚЎШИЛИНГ

— Сиз ҳам бир сафар ошга қўшилинг, биздан фарқ қиладиган жойингиз борми, ё пулни аяйсизми? — деб ошхўрлар Афандини мазак қилмоқчи бўлишди.

— Фарқим шундаки, — деди Насриддин, — мен уйда бола-чакам билан ошни еб олиб, сўнг чойхонада қўй ичанам. Сизлар эса чойхонада ошхўрлик қилиб, сўнг уйда ош емаган бола-чақангиз билан чой ичасизлар. Пулни нимадан аяб, нимага раво кўришини ҳам шундан билиб олаверасизлар!!!

ДОДАСИ-КЕРАК ЭМАС

— Келинг Насриддин ака, сомсан «додаси» бор, берайми? — деди сотувчи.

— Сомсани ўзини бер, додаси керак эмас! — деди Афанди. — Қарияни бошимга урамани, у бемаза ва гўшти чандир бўлади...

Баҳром ТОЖИЕВ.



ТУНГИ ШАРПАЛАР

Пешона тери билан ҳалол топишган бойлик ҳар бир инсонга ҳузур-халоват, оиласига тинчлик-хотиржамлик бахш этади. Лекин, айрим нопок шахслар ҳам борки, қўли меҳнатга бормай, қисқа муддатда шохона ҳаёт кечирмоқчи бўладилар. Ўзларининг жорикан ниятларини амалга ошириш учун ҳеч қандай нопокликлардан қайтмайдилар.

Қўйичирик туманида истиқомат қилувчи З. Мухаммаджон ва А. Шовкат тоғни урса талқон қиладиган ёшда. Аммо, айни билаги қучга тўлган бир пайтда пешона тери билан пул топишни ҳаёлига ҳам келтирмай, ўзро тил бириктириб, тунда «Ўзбекистон» тажриба ҳўжалиги ҳудудида жойлашган «Мустақиллик» пахта тозалаш заводидан умумий нархи 51.836 сўмлик 200 кг пах-

та толаси ўрамини ва 50000 сўмлик 1 тонна чигитни қолпарга солиб ўғирлаганлар.

Осойишталик посбонлари томонидан қилмиши фожия эканлиги «тунги меҳмонлар» терговчи са-волларига жавоб излашмоқда.

ЖОЙНАМОЗ ЎҒРИСИ

Кўлга тушди

Ҳаётда шундай инсонлар борки, мўмин-мусулмонларнинг муқаддас даргоҳи бўлмиш масжидда мадрасаларга пок ният билан саждага бош қўйиб намоз фарзларини адо этиш учун эмас, балки ўзларининг нафс ўпқонларини тўлдириб мақсадидида келиб, ҳудди қўршапалаксимон иш тутадилар.

Жумладан, чинозлик Х. Ақром тижорат билан шуғуллансада, ҳаёлига келган «ажойиб» фикрдан қайта олмади. «Ишбилармон» тижоратчи

Касбнома

КЎЗЛАРИДА МЕҲР, ЧОЙИДА СЕҲР БОР

Баъзан шундай ҳумори тутадик, беихтиёр чойхонага қараб йўл соласиз. Чойхоначи тавозе билан олдингизга чойнақда чой, қанд-курс қўйиб, «марҳамат қилсинлар», деб илтифот кўрсатади. Аччиқ чойни шопириб-шопириб бир пиёла ичганингиздан кейин бутун вужудингизга ором югради. Ҳа, ўзбекистоннинг бир пиёла чойида ана шундай сеҳр бор. Чойхоначида эса шунақа меҳр бор.

Тўлқин Жўраевни, гарчи чойхонаси Юнусобод бозориди бўлса ҳам, вилоятимизнинг турт-беш тумани билади, десам лоф бўлмайди. Тонг сахардан унинг чойхонасига деҳқонлар ташириб буюришди: «Қани, Тўлқинжон, бир пиёла чой ичайлик, сизнинг чойингиздан бошланса, ишимиз унумли бўлади». «Тавба, уйда кенонингиз ҳамма нарсани тайёрлаб қўйибди-ю, кўнглим шу томонга тортади-да».

Бу гаплар Тўлқин Жўраевнинг ҳушомоди учун айтилган эмас. Балки ишига бўлган меҳри, касбига бўлган эъзози, одамларга кўрсатган сидқидилдан хизмати учун айтилгандир. Одийгина қилиб гапирсак, кўнглини кўнглини тогани учун олган олқиларидир. Тўлқин Жўраевнинг ўғли Фарух эса, отасининг чакқон ҳаракати, ширинсўзлиги, таниш-нонатиш одамларга қадрдонлигини қўриб, ҳаваси келади. Ажаб эмас, эрта-индин унинг ҳам номи тилга тушсаю, чойхоначи деган азалий касбининг яна бир эгаси пайдо бўлса.

Юнусобод бозорига борсангиз, мўъжазгина чойхонани кўрасиз. Албатта, шу ерга кириб, Тўлқинжоннинг бир пиёла чойидан ҳўпланг. Айтган гапларимизга ўзингиз амин бўласиз. Чойхоначилик ҳам бошқа ҳунарлар каби эътиборли эканлигини дилдан эътироф этасиз.

Нуъмон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

Вилоят ИИБ матбуот маркази хабар қилади

ҳамма уйкуга кетган бир пайтда, ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилиб, Охунбобоев номи жамоа ҳўжалигида жойлашган масжидга кириб, умумий нархи 16000 сўмлик уч дона жойнамоз гиламларни ўмарди.

Бугунги кунда савоб ўрнига гуноҳга ботган, соф ниятли инсонларга намоз фарзларини адо этишларида хизмат қилаётган гиламларга кўз олайтирган «тижоратчи» ўғирлик устида қўлга тушиб, бош эгиб ўтирибди.

ЯНА БАДНАФСЛИК

ҲАКИДА

Ангрен шаҳрида номаълум шахс «Чинобод» маҳалласида жойлашган европа миллатига мансуб фуқаролар қабристонидан умумий нархи 10000 сўмлик 6 дона қабр устидаги ёдгорликларни ўғирлаган.

Максуда СУЛТОНОВА, вилоят ИИБ матбуот маркази ходими.

*СПОРТ*СПОРТ*СПОРТ*СПОРТ*

ОЛТИН ТУР

Футбол бўйича мамлакат чемпионатининг сўнгги турда чемпион жамоа — «Дўстлик» Зарафшонда «Қизилқум»га қарши тўп суриб, 4:2 ҳисобида галаба қозонди.

Афсуски вилоятимизнинг олий табақадаги бошқа жамоаларидан ҳеч бири бу турда галаба қозона олмади. «Металлург» Нукусда «Турон»дан 3:1 ҳисобида мағлуб бўлди.

«Семур» эса Фарғонада «Нефтчи»га қарши майдонга тушиб, ўз дарвозасига бта жавобсиз тўп ўтказиб юборди.

«Кимёгар» Бухорода майдон эгалари билан учрашувини 1:1 ҳисобидаги дуранг натижа билан якунлади.

Турнинг қолган учрашувиди куйдаги натижалар қайд этилди: «Самарқанд» — «Темирўлчи» — 2:3, «Насф» — «Гулистон» — 5:1, «Зарафшон» — «Навбахор» — 3:3, «Андижон» — «Пахтакор» — 2:3, «Сурхон» — «Сўғдиёна» — 5:1, «Хоразм» — «Трактор» — 0:1. Ўзқазил-

ган 10 учрашувдан 4тасида меҳмонлар галабага эришдилар. 4 учрашувда эса майдон эгалари устун чиқдилар. Икки учрашувда дуранг натижа кўрсатилди. Бир турнинг ўзида дарвозаларга 47та тўп киритилди.

«Дўстлик» бош мураббийси Леонид Остроушко, жамоа бошлиғи Рустам Мирсодиқовларнинг бу мавсумдаги фаолияти самарали бўлди.

Ўйлашмики, улар бошчилигидаги жамоанинг ўнинчи миллий чемпионатдаги иштироки ҳам муваффақиятли ўтади. IX миллий чемпионатнинг кумуш медали Фарғонанинг «Нефтчи» жамоасига насиб этди. У 38 учрашувда 28та галаба қозониб 85та очкога эга бўлди.

Бу йилги низом бўйича «Гулистон», «Хоразм» ва «Темирўлчи» жамоалари олий табақани тарқ этишлари керак. Жиззахнинг «Сўғдиёна»

жамоаси эса 24 ноябрда Муборакда, 28 ноябрда Жиззахда биринчи табақа мусобақаларини иккинчи ўринда якунлаган «Машъал» жамоаси билан олий табақада қолиш учун кураш олиб боради.

Биринчи табақа пешқадами «Академия» (Тошкент) олий табақага йўллангани қўлга киритган. Лекин, олий табақанинг янги тартиби эртага аниқ бўлади. Чунки айнан 23 ноябрь куни Республика Футбол федерациясида муваффақиятсиз ўйин туфайли бундан бўён мамлакатимиз футболли мавсегини ошириш масаласини муҳокама қилувчи Бош мураббийлар Кенга-шининг йиғилишида олий табақада нечта жамоа иштирок этиши узил-кесил ҳал этилиши кутилмоқда.

Талъат ЮСУПОВ.


Бўш вақтларда

АБЕСКУННИ

ЭШИТГАНМИСИЗ?

ЭНИГА: 7. Уйғун драмси. 8. Толнинг бир тури. 10. Венгерчасига «қирмизи юз» дегани. 11. Гастрол, концерт, спектакл ҳақидаги олдиндан тарқатилган эълон. 13. Довул, пўртана. 14. Хинда сурнайнинг бир тури. 16. Кетма-кет тизилган одамлар сафи. 17. Қўқон хони. 18. Фаришталардан бири. 20. Қоннинг ивиб қолиши. 22. Одиссейнинг ватани. 23. Ф. Достоевский асари. 25. Эстониядаги шаҳар. 27. Ўзбек миллий спорт мусобақаси. 29. Қадимий Хоразм пойтахти. 30. Афғонистондаги шаҳар.

Тузувчи: Тожиали УМАРОВ.



ГАЗЕТАНИНГ 15 НОЯБРЬ СОНДАГИ

БОШҚИТМИРНИНГ ЖАВОБЛАРИ

ЭНИГА: 5. Мароканда. 8. Мессина. 9. Сукунат. 11. Сабурут. 15. Вағишат. 17. Сарафан. 18. Атор. 19. Сантиметр. 20. Тилла. 21. Уламо. 23. Аниқловчи. 26. Макка. 27. Матрица. 28. Автомат. 29. «Ойсулу» 31. Оксидан. 33. Марфакон. 34. Қарабинер.

БҮЙИГА: 1. Нарцисс. 2. Модда. 3. Гальс. 4. Адвокат. 6. Шекспир. 7. Маршрут. 10. Мақтуллар. 12. Байт. 13. Раҳм. 14. Мамлуқлар. 16. Тасқара. 17. Сардина. 22. Ориноко. 24. Қарс. 25. Оқил. 26. Матбуот. 29. Одамсар. 30. Воронез. 21. Анбар. 33. Мурид.

Ўб-ҳаво



Об-ҳавони қузаутиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 22-26 ноябрь кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилотида ёғин-гарчилик кутилмайди. Шарқдан эсган шамолнинг тезлиги ҳар сонияда 5-10 метрни ташкил этади.

Харорат кечалари 2 даража совуқ, 3 даража илиқ, кундуз кунлари эса, 9-14 даража илиқ бўлиши кутилди.

«Ўзбекидрогогеология» Давлат корхонаси ошқонасига тегишли 2834077765 сонли қадастр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент вилоти ҳокимлиги жамоаси ҳокимлик қанцелярия гуруҳи раҳбари Мавлуда Эгамназаровага волида мухтарамаси АДОЛАТ РЎЗМатованинг вафот этганига муносабатин билан чўқур ҳамдардик билдиради.

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ
TOSHKENT HAQIQATI

Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУХИДДИНОВ

Манзилимиз:

700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:

хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48
Эълонлар: 133-40-48,
136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.